

Банк Бошқарувининг
2017 йил "21" апрелдаги
2612 -сонли қарорига
_____ -илова

Юридик хизмат департаменти тўғрисида

НИЗОМ

Тошкент-2017

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги "Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2733-сонли қарори, банкнинг Устави талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва департамент ўз фаолиятини ушбу ҳужжатлар ҳамда амалдаги қонунчилик талабларига асосланган ҳолда ташкил этади.

2. Мазкур Низом департаментнинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

3. Департаментнинг ташкилий тузилмаси ва штатлар жадвали Бошқарув раиси томонидан тасдиқланади.

4. Департамент ўз фаолиятини тасдиқланган иш режаси асосида олиб боради ва бошқа таркибий тузилмалар билан ҳамкорлик қилади.

5. Департамент ташкилий жиҳатдан қуйидаги тузилмалардан иборат:
Шартномавий ҳуқуқий муносабатлар бошқармаси

а) Ҳуқуқий экспертиза бўлими;

б) Ҳуқуқий муносабатлар таҳлили бўлими;

Муаммоли активлар билан ишлаш бошқармаси

а) Судгача бўлган муаммолар билан ишлаш бўлими;

б) Суд жараёнидаги активлар билан ишлаш бўлими;

в) Умидсиз активлар билан ишлаш бўлими.

Методология бўлими.

6. Департаментда олий маълумотли ҳуқуқшунослар, Муаммоли активлар билан ишлаш бошқармаси ва Методология бўлимида эса иқтисодий маълумотга эга ходимлар ишлаши мумкин. Департамент ходимларининг лавозим мажбуриятлари ушбу Низомга илова қилинади.

7. Департаментда иш юритиш банк тизимида ўрнатилган иш юритиш тартибига асосан амалга оширилади.

2. Вазифалари ва функциялари

8. Департаментнинг асосий мақсади банкнинг фаолиятини ҳуқуқий таъминлашдан иборат.

9. Ушбу мақсадга эришиш учун департамент қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) банк фаолиятида қонунийликни таъминлайди;

б) банк ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун моҳиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишда иштирок этади;

в) банк мулкисининг сақланишини ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш ишларини ташкил қилади;

г) банкда шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритишда қатнашади;

"Agrobank aksiyadorlik tijorat banki"
Metodologiya bo'limi
370 raqam bilan ro'yxatga olindi
20 17 yil 11. Aprel
imzo _____ 2

д) судларда ва бошқа идораларда банкнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқӣ ҳимоя қилади;

е) жисмонӣ ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқади;

ё) банк тизимини амалдаги қонунчилик ва Марказий банк меъерий ҳужжатларининг талаблари доирасида фаолият кўрсатишини ҳамда банк фаолиятини мувофиқлаштирувчи ички меъерий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва уларни ўрнатилган тартибда тасдиқланишини тартибга солади;

ж) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сонли Қарори ижроси юзасидан тармоқ ва соҳага тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари, Ҳукумат қарор ва топшириқлари ҳамда бошқа меъерий ҳужжатларни ўз вақтида самарали ижро этилиши ва тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлайди;

з) Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал ва халқ қабулхонаси, Бош прокуратура ишонч телефони ҳамда электрон веб сайтдаги Марказий банк раиси ва Бошқарув раисининг виртуал қабулхонаси орқали (PM.gov.uz, Mu.Gov.uz ssn.track.uz, agrobank.uz ва х.к.) тегишлилиги бўйича келиб тушган мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқилиши ва уларга сифатли жавоб берилишини таъминлаш каби вазифаларни бажаради.

10. Департаментнинг функциялари бошқармалар ва бўлимларнинг функциялари йиғиндисидан иборат.

Шартномавий-ҳуқуқӣ муносабатлар бошқармасининг Ҳуқуқӣ экспертиза бўлими функцияси:

а) бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда банк томонидан шартномалар тузиш ишларида қатнашади, уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади ҳамда шартномалар лойиҳаларига, агар эътироз ва таклифлари бўлмаса виза қўяди. Бунда лойиҳаларга банкнинг бошқа таркибий тузилмалари (ҳодимлари)дан кейин виза қўйилади;

б) энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги шартномаларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан ёзма хулосаларни тайёрлайди ва имзолайди;

в) шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади;

г) банк томонидан тузилган шартномаларнинг лозим даражада бажарилиши юзасидан таклифлар киритади, шартномавий муносабатларни такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқишда қатнашади;

д) банкда қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида таклифлар киритади, зарур ҳолларда ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда қатнашади;

е) банкда бошқарув тизимини такомиллаштириш, банкнинг таркибий тузилмалари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда қатнашади;

"Agrobank" aksiyadorlik tijorat banki
Metodologiya bo'limi
340 raqam bilan ro'yxatga olindi
2017 yil 21 - aprel 3
imzo

ё)банк фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш борасида тегишли таркибий бўлинмалардан маълумотларни олади, уларни умумлаштиради ва таҳлил қилади ҳамда натижалари бўйича банк Бошқарувига таклифлар киритади.

ж)банк раҳбарияти учун ҳуқуқий масалалар бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди.

Шартномавий ҳуқуқий муносабатлар бошқармасининг Ҳуқуқий муносабатлар таҳлили бўлими функцияси:

а)ички меъёрий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади, мустақил равишда ёки бошқа тузилмалар билан биргаликда ички меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида таклифлар киритади;

б)ички меъёрий ҳужжатларни қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги юзасидан ҳуқуқий хулосалар тайёрлайди, хулоса талаб этилмайдиган ҳолатларда лойиҳага эътироз ва таклифлар бўлмаса виза қўяди. Бунда лойиҳага банкнинг бошқа таркибий тузилмалари (ҳодимлари)дан кейин виза қўйилади;

в)банк раҳбарияти учун ҳуқуқий масалалар бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

г)банк ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида тадбирлар ташкил этиш юзасидан таклифлар киритади, ушбу тадбирларда иштирок этади;

д)банк раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар ва ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини кўриб чиқиб, улар бўйича эътироз ва таклифлари бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳага банкнинг бошқа ваколатли тузилмалари (ҳодимлари)дан кейин виза қўйилади;

е)банкда меҳнат қонунчилигига риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси, жамоа битимлари ва бошқаларни) ишлаб чиқишда қатнашади, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади ва юридик хулоса беради;

ё)банк номидан бериладиган ишончномаларни тайёрлайди;

ж)ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрғанади, таҳлил қилади ва умумлаштиради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва раҳбариятга киритади.

Муаммоли активлар билан ишлаш бошқармасининг Судгача бўлган муаммолар билан ишлаш бўлими функцияси:

а)мулкнинг талон-тороғ қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига юбориш учун расмийлаштиради;

б)тегишли тузилмалар билан биргаликда банкнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрғанади;

в)банкнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва банкка нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишда қатнашади;

"Agrobank" aksiyadorlik tijorat banki
Metodologiya bo'limi
370 raqam bilan ro'yxatga olindi
2017 yil 21. aprel 4
imzo

г) шартномавий муносабатлардан, шу жумладан кредит шартномалари юзасидан келиб чиқадиган низолар бўйича даъво аризаларни тайёрлайди;

д) банкнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқӣ ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этади ҳамда манфаатдор тузилмаларни жалб этган ҳолда суд мажлисларида белгиланган тартибда қатнашади;

е) банк фаолиятини ҳуқуқӣ таъминлаш борасида ҳудудӣ бошқармалар ва филиаллардан маълумотларни олади, уларни умумлаштиради ва таҳлил қилади ҳамда натижалари бўйича банк Бошқарувига таклифлар киритади.

Муаммоли активлар билан ишлаш бошқармаси таркибидаги Суд жараёнидаги активлар билан ишлаш бўлими функцияси:

а) банк томонидан ва банкка нисбатан қўзғатилган ишлар бўйича барча инстанциядаги судларда банк манфаатини ҳимоя қилиб иштирок этади;

б) банк даъвогар ва жавобгар бўлиб қатнашган барча ишларнинг ҳисобини юритиб, таҳлил қилади ва натижаси юзасидан раҳбариятга маълумот киритади;

в) банкка нисбатан ундирув белгиланган ижро ҳужжатлари бўйича алоҳида ҳисобот юритади;

г) судлар томонидан низоларни кўриб чиқишда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўради;

д) муаммоли активлар, шу жумладан ўз вақтида ундирилмаган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар ҳамда бошқа қарздорликларни ундириш аҳволини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

е) банкнинг ҳудудӣ бошқарма ва филиаллари фаолиятида қонунийликни таъминлаш мақсадида уларга амалӣ ёрдам кўрсатади.

Муаммоли активлар билан ишлаш бошқармаси таркибидаги Умидсиз активлар ишлаш бўлими функцияси:

а) суд жараёнидаги муаммоли кредитларни умидсиз актив деб топиш бўйича тегишли хулосалар беради;

б) умидсиз актив деб топилган қарздорликларни ҳисобини юритади ва таҳлил қилади, мазкур активларни филиаллар томонидан ундирилиши устидан назорат қилади ҳамда натижалари бўйича банк Бошқарувига таклифлар киритади;

в) моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари бўйича ҳуқуқӣ хулосалар беради;

г) банкнинг ҳудудӣ бошқарма ва филиаллари фаолиятида қонунийликни таъминлаш мақсадида уларга амалӣ ёрдам кўрсатади;

д) бўлим фаолиятига тегишли ҳисоботларни юритади.

Методология бўлимининг функциялари:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишларини ҳамда Марказӣ банк томонидан юборилган меъерий ҳужжатлар, хатлар ва бошқа тусдаги меъерий ҳужжатларни банкнинг ҳудудӣ бошқармаларига ўз вақтида етказилишини таъминлайди;

"Agrobank" aksiyadorlik tijorat banki
Metodologiya bo'limi
370 raqam bilan ro'yxatga olindi
20 17 yil " 21 " aprel k 5
imzo

б)худудий бошқармаларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланганлигини назорат қилади, зарур бўлганда уларга амалий ёрдам кўрсатади;

в)Марказий банкнинг амалда бўлган меъёрий ҳужжатлари мунтазам кўрсаткичини доимий равишда янгилаб боради, ҳар бир чорак бошига банк тизимида ишлаб чиқилган ҳамда амалда бўлган ички меъёрий ҳужжатлар мунтазам кўрсаткичини тайёрлаб, банк раҳбарияти ва Марказий аппаратнинг тегишли таркибий тузилмаларига етказди;

г)банкда ишлаб чиқилган ва банк фаолияти билан боғлиқ ички меъёрий ҳужжатларни таҳрир қилади, Марказий аппаратнинг тегишли таркибий тузилмалари билан биргаликда банк Бошқаруви, зарур ҳолатларда банк Кенгаши тасдиғидан ўтказишга тайёрлайди ва уларни ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказди, зарур ҳолларда қўшимча ва ўзгартиришлар киритади ҳамда амалга татбиқ қилинишини назорат қилади;

д)банкнинг статистик маълумотлари, Ўзбекистон статистика қўмитаси маълумотлари, Пул, кредит ва банклар журнали, Банк ахборотномаси газетаси архивларини юритади.

11.Департаментга ушбу Низомда ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмайди.